



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2007 йил 8 декабрь, № 243 (4396)

Шанба

2008 йил — ЁШЛАР ЙИЛИ

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР



БУЮК БУЊЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 15 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.
Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.
Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.

(Давоми 3-бетда).



Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Авваламбор, сиз, азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуг сана — Конституциямиз байрами билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдираман. Бугун биз ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлиши мустақил Ўзбекистонимиз Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигини кенг нишонламоқдамиз.

Барчамиз шу ўтган давр мобайнида юртимизда амалга оширилган томаънодаги тарихий ишлар, мамлакатимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартириб бораётган ислохот ва янгиланиш жараёнлари замирида, аввало, Конституциямизнинг принциплари ва талаблари турганини кўриб, кузатиб келмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам, бугун босиб ўтган йилларимизни танқидий ва холисона баҳолаётган кимиз, юртимизда мил-

лий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш йўлида қандай улкан марраларни қўлга киритган бўлсак, буларнинг барчасига Конституциямиз белгилаб берган йўл-йўриқларни оғишмай амалга ошириш натижасида эришаётганимизни мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Шунинг учун ҳам давр ўтishi билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қадриятини янада чуқурроқ аниқлаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-этиборимиз тўбора ортомқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Хурматли анжуман иштирокчилари! Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигини нишонлар экан-

миз, барчамиз учун катта бир имтиҳон бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловни юксак даражада ўтказиш масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Авваламбор, Конституциямизда сайловларни, жумладан, давлат раҳбари сайловини демократик асосда, замон талаб қиладиган даражада ўтказиш аниқ ва равшан белгилаб берилгани ҳаммамизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, бугун мамлакатимизда амалда жорий этилаётган Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг Конституциямизда мурлаб қўйилган талабларга тўлиқ асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани ва шу билан бирга, халқаро андозалар, ривожланган демократик давлатлар таърибаси бу борада инobatта олинганини таъкидлаш лозим.

Бизнинг Асосий Қонуни-мизда сайлов тўғриси-

даги махсус 29-боб мавжуд бўлиб, бу масала бундан ташқари яна ўндан зифёд қонунларимизда ўз ифодасини топган.

Юртимизда ўтказиладиган бу галги сайловнинг ўзига хослиги ва эътиборга сазовор томонлари ҳақида гапирганда, шунини айтиш керакки, республикамизда давлат раҳбари лавозимига номзодларни кўрсатиш ҳуқуқи сиёсий партияларга берилган.

Мамлакатимиз сиёсий майдонига тобора мустақам ўрин эгаллаётган ва халқимиз ўртасида ўзига эътибор тортаётган, аҳолимизнинг маълум ижтимоий гуруҳлари манфади ва интилишларини ифода этишга қодир бўлган партияларга ана шундай ҳуқуқ берилиши ўз навбатида барча демократик норма ва талабларга тўлиқ жавоб беради.

Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан уларнинг оруз-умидлари ва хоҳиш-иродасини ифода этиш мақсадида

сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам бу сайловда қатнашмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун амалга ошираётган сайлов тизимининг модели чуқур ва апрофлича ўйланган бўлиб, халқаро андозалар ва дунёдаги демократик давлатларнинг илгор таърибасига суянган ҳолда, халқимизнинг аънаваний қадрият ва қарашларини ҳам тўлиқ акс эттиради, десак, ўйламанки, хар томонлама тўри бўлади.

Ҳозирги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифамиз — Президент сайловини Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёрларга қатъий риоя қилган ҳолда ўтказишда ўзимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий савиямизни намойён этишдан иборат. Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, деб ўйлайман.

(Давоми 2-бетда).

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди.

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонларига мувофиқ, ўзининг фидокорона меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ривожлантириш, юртимизда тинчлик ва озоишталикни сақлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашда ўрнат ва намуна кўрсатган халқимизнинг муносиб вакиллари юксак давлат мукофотлари — фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Улар орасида ишлаб чиқариш соҳаларида, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида, илм-фан, маданият ва санъат, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, Қуролли Кучларимиз ва ҳуқуқ-тартибот идораларида хизмат қилаётган кўплаб юртдошларимиз бор. Оқсарой қароғоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Бугун Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллик байрами арафасида сиз, азизларни, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор

бўлган эл-юртимиз намояндларини табриклаш ва ана шу мукофотларни топширишни мен ўзим учун катта шараф деб биламан, — деди Юртбошимиз. — Ўзбекистоннинг бугун юксак суръатлар ва дадил қадамлар билан ўз олдида турган эзгу ният ва мақсадларга етиш, янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш, халқимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмадсан эркин ва фаровон яшашига эришиш йўлида қўлга киритаётган натижалари — бу ҳеч қимга сир эмас — ўзгаларнинг ҳавасини тортиб, ўзимизга мамнуният, ғурур ва ифтихор бағишламоқда.

Шу борада мен бир фикрни доимо такрорлаб келаман: биз мамлакатимизнинг тараққиқий топшириш, олижаноб оруз-интилишларимизни рўёбга чиқаришда қандай улкан марра ва ютуқларга эришган бўлсак, буларнинг барчаси, авваламбор, заҳматкам, кўпни кўрган, бағрикенг халқимизнинг бунёдкорлиги, унинг оғир, айна пайтда фидокорона меҳнати билан қўлга киритилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 7 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «етти ҳисса» деган сўзлар «саккиз ҳисса» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **31-модданинг бешинчи қисмидаги** «етти ҳиссасидан» деган сўзлар «саккиз ҳиссасидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 декабрь
№ ЎРҚ — 119

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Табий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 октябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Табий монополиялар тўғрисида»ги 398-1-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815-1-сонли Қонун билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«транспорт терминаллари хизматлари»;

2) **10-модда:** қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«табий монополиялар тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда»;

учинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишича **тўртинчи — уннинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **11-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Назорат вазифаларини амалга ошириш чоғида монополияга қарши орган томонидан олинган материаллар, шу жумладан табиий монополия субъектлари фаолиятини текшириш ва таҳлил қилишга доир материаллар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар, давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мурожаатлари ҳамда прокуратура органларининг тақдимномалари табиий

монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш учун асос бўлади»;

4) **14-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Табий монополиялар субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга: реализация қилинган товарлар ҳақини тўлашни таъминламаётган истеъмолчиларга хизмат кўрсатишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад этиш;

табий монополия шароитларида реализация қилинадиган товарлар нархларини (тарифларини) ваколатли органи ҳабардор қилган ҳолда, барча истеъмолчилар учун бир вақтнинг ўзига пасайтириш»;

5) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«нархлар (тарифлар) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражалари (тасдиқланаётганда) ҳисобга олинмайдиган асосий воситаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида харид қилиш;

табий монополия шароитларида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) учун амалга ошириладиган тўғридан-тўғри харажатларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 декабрь
№ ЎРҚ — 120

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 6 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Жамоат фондлари тўғрисида»ги 527-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 141-модда) **24-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Маъмур чеклов ҳомилиқ дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 7 декабрь
№ ЎРҚ — 121

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – ЮРТИМИЗДА ЭРКИН ВА ОБОД, ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аваллаббор, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, барча номзодларга тенг шартлар тугдириб бериш, совет давридан қолган, ҳали-бери учраб турайдиган базис бир тартиб ва қилиқлардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, сайловни амалдаги қонунларимизга тўла итот қилган ҳолда ўтказиш ва ҳар қандай давлат-маъмурий идоралар томонидан, умуман четдан туриб бу жараёнга таъсир қўриштиришга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак.

Келгуси сайловга халқро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари, маҳаллий ва ҳорижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига уларнинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шариот яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур.

Бугунги ахборотларга мувофиқ, чет мамлакатлардан ва нуфузли халқро ташкилотлардан, шу жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотидан сайловни кузатиш учун келадиганлар сон 300 кишига яқин бўлиб, ҳаммаси бўлиб 23 минг 300 киши сайловимизни кузатади.

Булар қаторида Европа, Осиё, Америка Қўшма Штатлари, муслмон ва араб давлатларининг вакиллари сайлов жараёнлари қандай ўтишини кузатади. Шу фурсатдан фойдаланиб, бир масалага алоҳида урғу бериб тўхталмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас – бугунги кунда ҳам Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари, Европа давлатлари орасида ҳали-бери давом этаяётган қандайдир ўзаро тушунмовчилик ҳақида башорат қилувчилар, бошқача айтганда, шундай муносабатларни сақлаш ва шундан манфат топиш тарафдорлари борлигини сезиш, кузатиш кийин эмас.

Бундай ҳолатларга нисбатан нима дейиш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг тўқчи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан, шу жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Европа билан ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз.

Ишонч билан айтиш мумкин – бугунги кунда бундай алоқаларнинг замини тобора мустаҳкамланмоқда ва биз бундан манфаатдорлик.

Мухтасар қилиб айтганда, навбатдаги сайловни Конституция ва қонунларимизда белгиланган тартибда – очик, ҳолис ва ҳаққоний асосда, ҳеч қандай кам бўлмаган юқори даражада ўтказишнинг мосуяти ва аҳамиятини бугунги кунда сайловчиларимиз, булун халқимиз чуқур англамоқда, десам, ўйлашаман, бу фикрга барчангиз қўйласиз.

Ишонч қилмакчи, кўпчи ўрган, қанча-қанча синовлардан ўтган халқимиз бу сайловда фаол иштирок этиб, ўзининг эзгу оруз-мақсадларини рўёбга чиқариш, юртимизнинг тинчлиги, Ватанимизнинг тараққиёти учун овоз беради.

Қадрли ватандошлар! Барчамизга маълумки, дунёда “Ўзбек модели” деган ном билан танилган мустақил тараққиёт йўлининг негизда турган машҳур беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсат олиб боришдан иборатдир.

Мустақилликнинг биринчи қўла-ридан бошлаб амалга оширилаётган бу сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида шунч таъкидлаш керакки, ижтимоий соҳага йўналтирилаётган маблағлар давлатимизнинг бюджетининг умумий харажатларига нисбатан 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Бундай кўрсаткичлар бошқа давлатлар тақрибига қандайдан камдан-кам учрайдиган ҳол, десак, бу – аниқ ҳақиқатдир.

Ана шу сиёсатни изчил давом эттириш, унинг самардорлиги ва таъсирини ошириш, жамиятимизда инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2007 йил юртимизда “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилингани ва шу асосда қабул қилинган махсус давлат дастури йил мубоинида амалга ошириб келинаётганидан барчангиз яхши бахдордор.

Етгита устувор йўналишдан иборат бўлган, юзлаб муҳим тадбирларни ўзига қамраб олган бу кўпқиррали дастурнинг ижроси ҳақида, албатта, йил якуни билан ҳисоботлар берилади ва ҳолис хулосалар чиқарилади.

Энг муҳими, бу дастурда белгиланган режа ва тадбирларни ба-жаришда юксак фаоллик ва жонку-

ярлик кўрсатган, ўзининг катта ҳис-сасини қўшган ташкилотлар ва инсонлар ҳақида матбуотимиз, радио-телевидение орқали жамоатчилигимизга атрофлича маълумотлар етказилади ва уларнинг меҳнатига, савобли ишларига ҳаққоний баҳо берилади.

Рухсатингиз билан, мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, умум-миллий тус олган, мамлакатимиз ва халқимиз, узоқ ва яқин шаҳар-қишлоқларимиз ҳаётида чуқур из қолдирган ушбу дастурнинг асосий яқунлари ҳақида, амалга оширган энг муҳим ишларимизнинг натижаси ва самараси ҳусусида қисқа-чўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга аёнки, кенг қам-ровли, авваллаббор, инсон ҳаёти ва унинг манфаатларини ҳимоя-лаш билан боғлиқ йўналиш ва тар-моқларни ўзида муҳассам этган ижтимоий соҳа ривожини таъмин-лаш, уни янги босқичга кўтариш, бу соҳадаги муаммоларни ечиш, бир сўз билан айтганда, биз бугун олиб бораётган кучли ижтимоий сиёсат ва бу борадаги ис-лохотлар биринчи навбатда ўзи-нинг қонуний асосларини мустаҳ-камлашни талаб қилади. Шу мақ-садада “Ижтимоий ҳимоя йили” давлат дастури бўйича йил даво-мида 26 та қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шулар қаторида ижтимоий ҳаё-тимизда, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим ўрин тутадиган ва катта таъсир куч-ига эга бўлган “Ўзбекистон Рес-публикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги ва “Бо-лалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, шунингдек, “Ҳомийлик тўғрисида”ги ва “Йод танқислиги касаллигининг олдини олиш тўғрисида”ги қонунлар, айниқса, эътиборга сазовордир.

Айни пайтда ижтимоий тизим-ни, шу билан боғлиқ ҳолда мар-казда ва жойларда бу вазифага масъул бўлган идора ва ташки-лотлар фаолиятининг самарасини янада ошириш мақсадида Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг махсус фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, Меҳнат ва аҳолини иж-тимоий муҳофаза қилиш вазирли-ғи, унинг вилоят, туман ва шаҳар бўлимларини тубдан ислоҳ қилиш, ёш оилаларни моддий ва маъна-вий қўллаб-қувватлашга доир қўшма чора-тадбирлар тўғриси-даги фармонлар, ўйлашаман, ҳаётимизда бу соҳани янада тако-миллаштириш ва унинг амалий таъ-сирини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.

Бу йўналишдаги ишлар бугунги кунда давом эттирилмоқда. Дастурда кўрсатилган тадбирлар-ни амалга оширишда “Меҳрибон-лик” уйлари ва ихтисослаштирил-ган мактаб-интернатларнинг мо-ддий-техник базасини яхшилаш, бо-қувчисини йўқотган болаларга дав-латимиз ва жамиятимизнинг эъти-бори ва гамҳўрлигини кўчайтириш, шу тариқа “Сен ёлғиз эмассан” де-ган давлатия ҳар жиҳатдан мустаҳ-камлашга қаратилган ишлар ало-ҳида ўрин эгаллайди.

Жорий йил мубоинида 15 та мах-сус мактаб-интернат ва “Меҳрибон-лик” уйларида жами 4 миллиард 800 миллион сўмлик қўрилш-таъмирлш ва жиҳозлаш ишлари бажарилгани-ни, Халқ таълими вазирлиги томо-нидан “Меҳрибонлик” уйлари тар-бияланувчиларига салкам 112 мил-лион сўмлик кийим-бош ва зарур-ий жиҳозлар олиб берилганини қайд этиш лозим.

Шуниси эътиборга лойиқки, бу са-вобли ишларга жойларда қўлгина ташкилот ва ҳомийлар ҳам ўз ҳис-сасини қўшмоқда. Мисол учун, Самарқанд, Навоий ва Жиззах ви-лоятларида шу мақсадда қарийб 580 миллион сўмлик маблағ сарфлан-гани бунинг таъсидидир.

Бу ҳақида гапирганда, бажарган ишларимиз орасида алоҳида аж-ралиб турайдиган хайрли бир тад-бир ҳақида тўхталиб ўтишни ис-тардим. Жорий йил давомида дав-лат бюджетидан 4 миллиард 600 миллион сўмга яқин маблағ сарф-ланиб, республикамиздаги 28 та “Меҳрибонлик” уйи ҳамда 86 та ихтисослаштирилган мактаб-интер-натга ўзимизда – Самарқанд шаҳ-рида ишлаб чиқарилган 114 та за-монавий автобус берилди, 4 та оилавий болалар уйи эса “Дамас” микроавтобуслари билан таъмин-ланди.

Ана шундай эзгу ишларимиз ҳақида гапирганда, ўйлашаман, Али-шер Навоий бобомизнинг чуқур маъноли сўзлари беҳитиёр барча-мизнинг ҳаёлимизга келади. Яъни, улуг аждоимизнинг қўлидан, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига ҳам-дард бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун ҳаққоний обод қилиш билан баробардир.

Бинобарин, биргина мана шу тадбир туфайли юзлаб қалби ўқсиқ болаларимизнинг қандай хурсанд бўлганини, уларнинг қувончини, энг муҳими, тақдир синовлари олдида улар ўзининг ҳеч қачон ёлғиз қол-

маслигини, давлатимиз, халқимиз-нинг ишончли ҳимоясида бўлиши-ни яна бир бор ҳис этганини та-саввур қилиш кийин эмас.

Дастур доирасида аҳолининг кам таъминланган, кўмак ва ёрдамга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни куч-айтириш, уларни меҳнатга жалб қилиш орқали даромад манбаи би-лан таъминлаш бўйича ҳам сал-моқли ишлар қилинди.

Жумладан, шу йилнинг ўтган даври мубоинида 50 минг-дан зиёд оилга бепул қорам-боқ берилгани, 10 минг 580 та оилга чорва моллари сотиб олиш учун тижорат банклари орқали 8 ярим миллиард сўмга қанч имти-ёзли кредит ажратилгани ҳам бу борада бошланган ишларимизнинг давом этватганини кўрсатади.

Йил мубоинида ҳомийлар ва оталиқ ташкилотлар томонидан 3 миллион 100 минг нафар ёлғиз кекса, пенсионер ва ногиронлар-га, кам таъминланган оилаларга қарийб 9 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шулар қаторида Ол-малик шаҳридаги “Саховат” уйи, Андижон шаҳридаги қави охизлар яшайдиган 2 та кўп қаватли уй туб-дан таъмирлаб берилганини айтиб ўтиш зарур.

Шу билан бирга, пойтахтимиз-даги ихтисослаштирилган тиббий марказларда 2 минг 400 нафар фу-қарога бепул тиббий хизмат кўрсатилгани, ногирон шахсларга 8 мингга яқин протез-ортопедия жиҳозлари, 3000 та ногиронлар ара-вачаси, бир ярим минг донга аши-тиш мосламаси, 5 минг донга ҳасса ва қўлтиқтаёқ бепул берилганини қайд этиш ўринли бўлади.

Аънанамизга кўра, бу йил мак-таб остонасига илк бор қадам қўйган 485 нафар фарзандларимизга 5 миллиард 157 милли-он сўмлик ўқув анжомлари бепул тақдим этилди.

Айни пайтда кам таъминлан-ган оилаларга мансуб 715 минг ўқувчи 17 миллиард 816 миллион сўмлик кишки кийим-бош билан бепул таъминлангани ҳам дастур бўйича бажарилган муҳим тадбир-лар қаторига кирди.

Ўтган ёш давсумида 234 минг нафар бола, жумладан, экологик шароити мураккаб бўлган Қорақал-поғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида яшайдиган 3 мингдан ор-тиқ ўғил-қизларимиз, шунингдек, 8 мингдан зиёд “Меҳрибонлик” уйи ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари учун оромгоҳ-ларда бепул дам олиш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жорий йил мубоинида ногирон-ларнинг нафақат моддий, балки маъ-навий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам қатор тадбирлар ташкил этилди.

Бухоро шаҳрида 450 нафар ногир-он бола иштирок этган Ўзбекистон миллий махсус олимпиада йўнали-лари, Андижон, Фарғона ва Қашқа-рда де вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида “Мурувват” уйларида тар-бияланаётган болалар ўртасида па-раолимпиага мусобақалари ўтказил-гани бунга мисол бўла олади.

Энг муҳими, ногиронларнинг тўлақонли ва мазмунли ҳаёт ке-чирилгани таъминлашга қаратилган мана шундай ишларимиз бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Яқинда ногирон-ампутантлар ўртасида футбол бўйича ўтказил-ган 7-жаҳон чемпионатида Ўзбек-истон миллий терма жамоаси аъзоларининг дунёда машҳур бўлган Бразилия ва Эрон, Украин-а, Туркия ва Россия каби мамла-катларнинг терма жамоалари ус-тидан галаба қозониб, матонат ва жасорат намунасини кўрсатиб, жа-ҳон чемпиони унвонига сазовор бўлгани барчанамизга гурур ва иф-тихор бағишлайди.

Азиз юртдошлар!

Мазкур дастурда ўз ифодасини топган ўта муҳим ва савобли иш-ларни бажаришда хорижий мамла-катлар ва халқро ташкилотлар, чет эллик ҳамкорларимизнинг ҳам му-носиб ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Жумладан, Жанубий Кореянинг Саломатлик ва Ривожланиш жа-ғармаси билан ҳамкорликда Тош-кент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ту-манидаги болалар шифохонаси ка-питал таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди. Шулар қато-рида чет эллик мутахассислар ёрда-мида 180 нафар бола операция қилиниб, тугма нуқсонлардан ха-лос этилгани, 22 нафар бемор бо-ларига эса Германия касалхона-ларида даволаниб қайтганини таъ-кидлаш жоиз.

Мана шундай олижаноб ҳамкор-лик ҳақида гапирар эканмиз, Жа-ҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-нинг Болалар жағмармаси – ЮНИ-СЕФ каби халқро ташкилотларга, бу инсонпарварлик тадбирларида фаол қатнашган хорижлик дўстла-римизга сининг номингиздан, хал-

қимиз номидан самимий ташаккур изҳор этамиз.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа – ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхши-лаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Му-рувват” уйлари ходимлари меҳна-тини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш бўйича бажарилган иш-лар ҳам эътиборга лойиқ. Хусусан, “Мурувват” уйлари тарбиячи ва хо-димларининг иш ҳақини ошириш учун шу йилнинг ўзида марказий ва маҳаллий бюджетдан 125 мил-лион сўмдан зиёд маблағ сарф-ланганини қайд этиш зарур.

Шунингдек, уруш ва меҳнат фахрийларига хизмат қиладиган санаторийларнинг ходимлари учун 15 фоизли хонама ҳақ жо-рий этилди, хонадонларга бориб ижтимоий ёрдам кўрсатадиган хо-димлар учун 230 миллион сўм, но-гирон болаларни уйда ўқитиш учун эса бир ярим миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

“Ижтимоий ҳимоя йили” дасту-рига мувофиқ, ёш авлодининг ҳаёт-ий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёш оилаларга ҳар томонлама гам-ҳўрлик кўрсатиш, фарзандларимиз-ни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида ҳам йил давомида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, ёш оилаларнинг муам-моларини ечиш, аввало, уй-жой со-тиб олиш ва иморат қуриш, рўзго-рини бутлашга қўмаклашиш мақ-садида тижорат банклари томо-нидан 57 миллиард 500 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кре-дитлари ажратилди.

Шу билан бирга, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмағида ёш тадбиркорларга 2 миллиард 500 миллион сўмлик микрокредит, ёш оилалар учун 1 миллиард 800 миллион сўмлик ипотека кредити, 1 миллиард 100 миллион сўмлик истеъмол кредит-лари, шунингдек, олий ўқув юр-тларида тахсил олаётган талаба-лар учун таълим грантлари ажра-тилганини таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида жорий йил муб-оинида 195 минг нафар йилга-кич иш билан таъминланган; бир қанча вилоят ва туманларда ёшлар марказлари ташкил этилгани эъти-борга лойиқ, албатта.

Мухтарам дўстлар, ҳаммамиз яхши биламизки, ижтимоий ҳимоя деганда, биринчи навбатда хона-донларимизга физики ва фаришати бўлган муҳтарам қарияларимизни қадрлаш, уларга эътибор ва гам-ҳўрликни кўчайтиришни тушунамиз. Дастурда белгиланган тадбирлар-га мувофиқ, бу борада ҳам бир қанча ибратли ишлар қилинди.

Аваллаббор, яқинда қабул қилинган “Пенсионерларни ижтимо-ий қўллаб-қувватлашни кўчайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғри-сида”ги фармонга асосан, фахрий-ларимиз учун жорий йил охиригача Пенсия жағмармасидан қўшимча равишда 20 миллиард 300 милли-он сўмдан зиёд маблағ сарфлан-ди, кейинги йилда эса шу мақсад учун 94 миллиард сўм ажратилиш-ни қўзда тутилмоқда. Бундан таш-қари, 480 мингдан зиёд ёлғиз кек-са, уруш ногирони ва иштирокчи-ларига, фронт ортида меҳнат қил-гани ҳамда Чернобыль ҳалокатини бартараф этишда қатнашган қишлоқларга 21 ярим милли-ард сўмдан зиёд компенсация тўло-варини амалга оширилди.

Шу тоифага мансуб бўлган 37 минг нафар киши ва кўзи ожиз би-ринчи гуруҳ ногиронларининг йил давомида шахар йўловчи транспор-тидан бепул фойдаланиши йўлга қўйилиб, бу ишларга 648 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди.

Биргина “Тошкенттрансизмат” уюшмаси томонидан аҳолига қарийб 2 миллиард 230 миллион сўмлик имтиёзли транспорт хиз-мати кўрсатилганини қайд этиш жоиз.

Айни пайтда 28 минг нафар фах-рийларимизнинг Бухоро ва Самар-қанд, Хива ва Тошкент каби қадим-ий шаҳарларга бепул саёҳатлари ташкил этилганини уларга қўрсати-лаётган амалий эътиборинг яна бир ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар, ўйлашаман, бун-дай инсонларни сизларнинг ҳар-бирингиз ўзингиз яшаётган маҳал-ла, туман ёки шаҳар ҳаётидан қўллаб келтиришигиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, жо-рий йилда юртимизда аҳолини иж-тимоий ҳимоя қилиш мақсадида барча манбалар ҳисобидан жами 483 миллиард 600 миллион сўм, жумладан, 213 миллиард 200 мил-лион сўм бюджет маблағи, 270 мил-лиард 400 миллион сўм микродо-на грантлар, ижрочилар ҳамда ҳомий-лар маблағи сарфлангани бу со-ҳада амалга оширган улкан ишларимизнинг ҳажми ва салмоғини яққол кўрсатади.

Фурсатдан фойдаланиб, бутун мамлакатимизни қамраб олган бу умуммиллий ҳаракатда фаол иш-тирок этган давлат ва ҳокимият

идоралари, нодавлат ташкилот-лар, хусусан, “Маҳалла” ва “Ну-роний”, “Соғлом авлод учун” ва “Экосан”, “Меҳр нури”, “Ўзбекис-тон маданияти ва санъати фору-ми”, “Сен ёлғиз эмассан” каби жағмаралар, Ўзбекистон Каса-ба уюшмалари федерацияси, “Ка-молот” ёшлар ижтимоий ҳарака-ти, Хотин-қизлар қўмитаси, Ши-фокорлар уюшмаси сингари қўллаб-қувватлаш мақсадида, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга ўз но-миждан, халқимиз номидан сам-имий миннатдорлик билдираман.

Хурматли юртдошлар! Қўриқда келтирилган далил ва мисоллар, аввало, давлатимиз, эл-юртимизнинг ўтган давр мо-байнида амалга оширган улкан ишларини, шу йўлда қанча-қанча қўч, маблағ ва имкониятлар са-фарбар этганимизни яққол кўрсати-бди турибди.

Шулар ҳақида гапирганда, қўй-даги фикр ва хулосалар беҳитиёр ҳар қайси инсоннинг ҳаёлига кели-ши табиий!

Аваллаббор, юксак инсонлар-варлик руҳи билан йўлригган, меҳ-рибонлик, меҳр-оқибат, мурувват ва саховат каби туйғулارнинг ёрқин намоёни бўлиш бундай ишларни амалга ошириш ҳаммамиз ҳам қўлдан келмайди.

Яна бир фикр шуки, бундай эзгу интилиш, бундай ҳаракатлар-нинг негизини аниқ бизнинг мил-латимиз ва халқимизга мансуб бўлган баргиреклик ва олижа-ноблик фазилатлари, шу билан бирга, мустақиллик йиллари да-вомида юртдошларимиз дунёқа-рашининг тубдан ўзгаргани, ав-вало, ёш авлодимизни тарбиялаш ва маънавий юксалтириш йўли-да қилаётган барча-барча ишлари-миз ўз ифодасини топган, десак, ўйлашаман, аниқ ҳақиқатни айт-ган бўламиз.

Бугун мен шу юксак минбардан туриб, узоқ ва яқин қўшнилари-мизнинг ҳавасини тортаётган жамия-тимиздаги ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳур-мат ва аҳиллик муҳитини мустаҳ-камлашга муносиб ҳисса қўшаёт-ган маҳалла оқсоқоллари ва фа-олларининг меҳнатини, айниқса, маҳалла аҳли, аёллар ўртасида кат-та иш олиб бораётган маслаҳат-чиларнинг фаолиятини алоҳида эъти-роф этиш ва уларга чин қалб-имдан ташаккур билдиришни ўзининг бурчим, деб биламан.

Ўзингиз ўйланг, азизларим, бар-чамиз биргаликда амалга ошир-ган мана шундай беқийёс ишларни бирон-бир рақам билан ўлчаб, ифо-да қилиб бўладими?

Ўзингиз айтинг, қадрли дўстлар, биродарлар, мана шундай буюк ишларга қодир бўлган халқни ен-ги бўладими?

Мухтарам юртдошлар! Энди сизлар билан кириб кела-ётган янги – 2008 йилга қандай ном бериш ва шу асосда қандай эзгу мақсадларни ўзимиз учун энг муҳим ва устувор вазифа сифати-да белгилаб олиш ҳақида фикр ал-майиб, маслаҳатлашиб олсак, ўйлашаман, аниқ мудоаа бўлади.

Барчамизга маълумки, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало ўз фарзандлари қиёфасида, уни-бў-сиб келадиган ёш авлод тисмо-лида шу халққа ҳос хусусياتи ва фазилатларини намоён этадиган, унинг азалий оруз-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни қўради.

Биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча эзгу оруз-ни-ятларимизни амалга оширишда ав-валлаббор миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўлмалли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги ав-лод қадрларини тайёрлаш масала-сини муҳим принципал ва халқ қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён.

Мустақиллик йилларида шу мақ-садада амалга оширган том маъ-нодаги тарихий ишларимиз ҳозир-ги вақтда, сўзсиз, ўз ҳосилини бер-моқда. Бу йўналишда бошланган ул-кан ишларимизнинг давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳи-ми, бугунги кунда долзарб масала бўлиши ҳаётга кириб келадиган ёшларимизнинг жамиятимизда му-носиб ўрин эгаллаши учун замона-вий ўз олдимизга янги-янги ва-зифаларни қўймоқда.

Мана шу ўта муҳим вазифалар-ни амалга ошириш, бу масалага давлатимиз ва жамиятимиз, кенг жамоатчилигимиз эътиборини жалб этиш мақсадида мен янги – 2008 йилни мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилишни тақдиф этаман.

Азиз дўстлар! Янги йилга айнан мана шундай ном беришимиз ва бундан қўлан-ган мақсадларимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапи-риш ва уни исботлаб беришининг зарурати йўқ, албатта.

Маълумки, бугунги кунда мам-лакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг на-фарни ёки умумий аҳолининг тах-минан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса – 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этади-ган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътибо-римизни жалб этиш, уларни ҳаёт-ий кўнга айлантириш масаласи жамо-атчилигимизнинг диққат маркази-да туриши шарт.

Шу мақсадларни амалга оши-риш учун 2008 йилга “Ёшлар йили” деб ном беришимиз муносабати билан тегшли давлат ва жамоат ташкилотлари иштирокида махсус давлат дастурини ишла

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистонимизни янада обод, ҳаётимизни янада фаровон қилиш борасида бутун халқимиз қатори бугун мана шу муҳташам залда жам бўлган сиз, муҳтарам ватандошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссангиз борлигини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Шу қувончли лаҳзаларда барчамиз аввало Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон билан тақдирланган юрдошларимизни — "асриимиз мўъжизаси" деб ном олган "Тошгузар — Бойсун — Қўмқўрғон" темир йўли қурилишида жасорат кўрсатиб меҳнат қилган машинист Ҳамза Маҳкамов, Олмалик кон-металлургия комбинатининг экскаваторчиси Сайдали Раҳмонов, Тошкент шаҳридаги улкан қурилишларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчи Тоир Дадахонов, фермерлик ҳаракатининг фаол вакили, уста пахтакор Халчахон Мирзаева, замонавий ҳаво кемаларини моҳирона бошқариб, ёшларга бу мураккаб ва масъулиятли касб сирларини ўргатиб келаётган Зарҳўжа Саидзимовни Ватанимизнинг олий мукофоти билан самимий муборакбод этамиз, деди Юртбошимиз.

Юртимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, унинг шухратини дунёга таранум этишда ўз умрини ижодий ва илмий фаолиятга бағишлаган зиёлиларимизнинг алоҳида ўрни бор. Бундай фидойи инсонларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ўтган йили ҳар икки йилда бир марта бериладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари тасвир этилгандан барчангиз хабардорсиз.

Мамлакатимиз фан ва техника соҳаларини, адабиётимиз ва санъатимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган 17 нафар ватандошимизга ана шу Давлат мукофотлари бугун биринчи бор топширилмоқда. Шулар қаторида бугун мана шу даврамизда ўтирган, давлатимизнинг фахрий унвон ва мукофотлари, ордени ва медаллари билан тақдирланган барча юрдошларимизни яна бир бор самимий табриклайман.

— Айниқса, ҳаётга катта умид ва ишонч билан қадам қўяётган навқирон авлод вакиллари, Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон майдонларида баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизни қизгин кутлаш менга катта хурсандчилик бағишлайди. — деди Ислоҳ Каримов. — Сизларга, сизларнинг тимсолангизда барча спортчиларимизга келгуси йили Пекинда бўладиган Олимпия ўйинларида зафарлар ёр бўлишини тилайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Шу кунларда марказда ва жойларда давлатимизнинг юксак мукофотларини ўз эгаларига топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ана шу мукофотларни қабул қилиб олаётган барча юрдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин қадрдонларим сифатида гоёибона бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман, — деди Президентимиз. — Муқаддас ҳадисларда яхшиликнинг мукофоти — яхшиликдир, дейилган. Шу маънода, сизларнинг халқимиз ва Ватанимиз олдидаги эзгу ва олижаноб ишларингиз, фидокорона меҳнатингизнинг эътирофи бўлган, сизга ярашиб турган юксак нишон ва унвонлар барчангизга буюрсин, қилган меҳнатларингизнинг роҳатини кўриш насиб этсин.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Хатича ая» фермер хўжалиги бошлиғи Халчахон Мирзаева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, Самарқанд вилояти Пайарик туманидаги 6-мактаб директори Людмила Шульга, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, Ўзбекистон Миллий университети кафедраси мудири, академик Махмуд Салоҳиддинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма театри актриси Учқун Тиллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат ходими, Қорақалпоғистон Республикасидаги Қўнғирот сода заводи бош муҳандиси Абат Рамбергенов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Республика шойлиқин тиббий ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари Елена Борисова, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, дзюдо бўйича Тангриев, Фан ва техника соҳасидаги I даражали давлат мукофоти соҳибдори, Республика махсус кардиология маркази директори Равшанбек Қурбонов, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳибаси, Навоий давлат педагогика институтини қўшиқдаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқитувчиси Лола Зайнуддинова ва Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандаси Озодбек Назарбеков ушбу мукофотлар бундан буён ҳам Ватан раванқи, халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар.

(Ў.А.)

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртбошимиз ҳуқуқий давлат, демократик ҳаётнинг барпо этилиши, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчаси мамлакатимиз Конституциясига асосланганини алоҳида таъкидлади.

Инсонпарварлик руҳи билан йўрилган ишларимизнинг турмушимизда фаровонлашуви, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш ва ёш авлоднинг тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз бу борадаги эзгу ишларимизни кенг қўлама давом эттиришда мамлакатимизда кечаётган муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов алоҳида ўрин тутишини, халқимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш буйича қилаётган ишларимизнинг самардорлигини янада ошириш зарурлигини таъкидлади.

Дунёда «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган тараққиёт йўлининг асосий йўналишларидан бирини кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш ташкил этади.

Ана шу эзгу ниятни амалга ошириш мақсадида иштирокчиларнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами — кўп болали ва кам таби-

БУЮК БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

минланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есир ва ногиронларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Бу борадаги ишлар Ижтимоий ҳимоя йилида янги босқичга кўтарилди. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган умумий харажатлари 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди.

Мамлакатимиздаги «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундай муассасаларда тарбияланаётган болаларнинг тўлиқ таълим олиши, давола-ниши, яшаш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бошқача айтганда, «Сен ёлғиз эмассан»

деган даъват жамиятимиз ҳаётида чинакамга ўз ифодасини топмоқда.

Ночор ва ёрдамга муҳтож одамларнинг оғирини енгил қилишга, уларга хизмат кўрсатишга ўзини бағишлаган инсонлар — «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Муруват» уйларида ишлаётган ҳамшира, тарбиячи ва шифокорларнинг, шу соҳага дахлдор мутахассис ва хизматчиларнинг меҳнатини тўри баҳолаш, уларни рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ кўпбаланд ижтимоий объектлар бунёд этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, касаначилик ҳаракатига кенг йўл очилди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳар томонлама мустақам ҳуқуқий асосга эга кучли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди.

1997 йилдан бундан янги йилга муайян ном бериш яхши аънамага айланган.

Шу аънамага биноан Президентимиз Ислоҳ Каримов янги — 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртбошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гудурос қараслар билан маъқуладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижроичиларнинг байрам концерти билан якуланди.

(Ў.А.)

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ ИФОДАСИ

Аънамага кўра, Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси барча вилоятлар ва туманларда, вазирил ва идораларда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Тошкент шаҳри йилдан-йилга чиқиб бормоқда. Бу ерда кўпбаланд муҳташам бинолар, йўллар, кўприklar, истироҳат боғлари, спорт мажмуалари, тўғил ва соғлиқни сақлаш муассасалари бунёд этилди, бундай хайрли ишлар изчил давом этмоқда. Энг улук ва энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 16 йиллиги муносабати билан ҳам-шаҳарларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган эди.

Конституция кўни арафасида Тошкент ша-

ҳар ҳоқимлигида ишлаб чиқариш, иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларига ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев топширди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган мукофотларни топшириш маросимиде мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ишларнинг маънавий-маърифий соҳадаги ижтимоий ўзгаришлар билан узвий боғлиқ экани таъкидланди.

Юрдошларимизни, айниқса ёшларни она-Ватанга муҳаббат, миллий аъналаримизга садоқат, буюк аждодларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда, уларни ёт гоғлар таъсиридан асрашда, эзгу ишларга даъват этишда маданият ва санъатнинг аҳамияти беқўсқидир.

(Ў.А.)

Жорий йилда ҳам маданият, санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланиши мазкур соҳаларга давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди.

Мукофотлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов топширди.

Тадибирларда сўзга чиққан мукофот соҳиблари юртимизда ҳалол ва фидокорона меҳнат доимо қадрланиб, эътироф этиб келинаётганини таъкидлаб, юксак ишонч ва эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

(Ў.А.)

ёшларнинг ҳуқуқий билим савияси баҳоланади.

Кўни кеча Бош Қомусимизнинг 15 йиллигига бағишланган мазкур кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда олти йўналиш бўйича 24 нафар гоғлиб аниқланди ҳамда улар ташкилотларнинг эъдилик соғалари билан тақдирландилар.

Шоира БОЙМУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Қомусим — бахтим, иқболим

Қомусимизнинг 41-моддасида «Халқ ким билим олиш ҳуқуқига эга» деб ёзиб қўйилган. Шу биргина сатр меннинг бутун тақдиримни, келажакимни белгилаб берди, десам муболага бўлмайди. Халқ 18 баҳорни қаршилаганим йўқ. Лекин ҳаётда маълум ютуқларга эришдим. Марқол шахридаги иқтидорли болалар лицейида ўқиб юрганимдаёқ, тавлим билан боғлиқ илмий ишларга қизиқганим ортди. Лицейларда замонавий интерфао технологияларни жерий этиши билан боғлиқ изланишларим эътиборга тушди. Шу изланишларим боис ўтган йили Зулфия номидеги Давлат мукофотининг «Тавлим» йўналиши бўйича республика босқичида иштирок этдим. Ва атоқли шоира номидеги мукофот соҳибдори бўлдим. Бу менга қанот бўлди. Фарона давлат университети тилине филология факультетига тест синовларини қабул қилишим. Мен учун бундан ортук бахт борми?!

Наргиза БУДУҒАНИЕВА, Фаргона давлат университети талабаси, Зулфия мукофоти лауреати.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов буйича округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун худудий ўқув семинарларини ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш, сайлов кўни участка сайлов комиссияларининг иш тартиби, уларнинг овоз бериш, овозларни санаш, сайловга оид ҳужжатларни расмийлаштиришни ташкил этишига доир ва бошқа масалалар бўйича амалий машғуллар ўтказишдан иборатдир.

Шунингдек, комиссия аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов буйича участка сайлов комиссиялари ўртасида кўрик-танлов ўтказиш ҳақидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Ў.А.)

КЎКСИМИЗДА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ»

Юртимиз ёшларининг шашту шижоати баланд. Улар ўз танлаган йўлларида собит, юрт номини дунёга танитишга астойдил бел боғлаган йигит-қизлардир. Сўнгги йилларда ёшларнинг спорт, санъат, фан ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари бунга ёрқин далил бўла олади.

Хукуматимиз томонидан ҳамisha ёшларнинг мамлакат ва жаҳон миқёсида мислсиз ютуқларини кўлга киритаётган вакиллари рағбатлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада, айниқса, Юртбошимизнинг 2003 йил 4 августдаги «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишонини тўғрисидаги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Фармони юрт раванқига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган ёшларимизни маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, ушбу фармонга биноан, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишонини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг қарори асосида берилиши белгиланган.

Низомга кўра, «Ўзбекистон белгиси» кўрак нишонини билан миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар неғизиде юксак ватанпарварлик ва фидойилик хислатларини ўзида намойён қилган, ватанимиз шон-шухрати, унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар тақдирланади.

Кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ана шундай намуна ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мукофотларни Марказий Кенгаш раиси Ақром Алимов топширди.

— Мукофотланган ўттиз саккиз киши қаторида менинг ҳам номим борлигидан хурсандман, — дейди нишон соҳибаси Муқаддас Холмухамедова. — Камтарона меҳнатларимга шундай юксак баҳо берилганидан хурсандман. Бундай лаҳзалар ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларига айланиб қолиши шубҳасиз. Ўзимдан қиёс қилиб айтишим мумкинки, ушбу кўрак нишонини билан тақдирланган ҳар бир ёш юрт раванқи, мамлакатимиз тараққиётига бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади. Зотан, ёшларга кўрсатилган ғамхўрлик ва эътибор ҳеч қачон беиз кетмайди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Темир ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

2008 йил 8 январь кўни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда:

- Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижроичилари бўлими томонидан 2007 йил 30 майдаги 6543/3-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманидаги «Себзор» жарима майдонасиде сақланаётган, «S&V» қўшма корхонасига тегишли, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М4570 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 6 893 000 сўм.
- Тошкент шаҳар Ҳамза тумани суд ижроичилари бўлими томонидан 2007 йил 1 мартдаги 3971-сонли ижро ҳужжатига ва 2005 йил 16 декабрдаги 10-0508/10940-сонли ижро варақага асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунов 1, 82-«А» уйда варақага асосан тақдим этилган футбол бўйича истифослаштирилган мактаб-интернати худудиде сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10AP414 бўлган «КАВ3-33270» русумли автобус. Бошланғич баҳоси — 10 083 000 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижроичилари иштирокиде бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдориде зақалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» миши банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

Лицензия DB001-000010.

Компания «ПЕТРОНАС» поздравляет народ Узбекистана с Днем Конституции!

Инсоният ўз ибтидосяда меҳр-муҳаббатини, ҳайратини, қувончини ва қайғусини сўз воситаси орқали ифода қилган. Магар она элласи ер юзидagi биринчи қўшиқ ва биринчи шеър саналса, шеърнинг пайдо бўлганини минг йиллар чегарасида, десак хато қилмаймиз. Илло, қалб ёниб турса, унда ҳис-туйғулар дарёдек мавжланса шеър туғилади. У инсоннинг қалб тубидаги ҳароратдан, муҳаббатдан, гўзалликка ошуфталикдан яралади. Қолаверса, она-Ватанимиз азал-азалдан атоқли шоирларнинг, назм таъбли буюк аллома-ларнинг бешигини тебратган муаззам, шарафли масқандир.

Қалб порлаб турса

Албатта, бу ўринда ҳазрат Навоидан, Мавлоно Лутфидан, Сақомидан, боринки Ҳамид Олимжон, Миртемир домла ё Зулфияжонимдан, бугунимизнинг забардаст шоирларидан иқтибос келтирсак фойдадан холи бўлмас эди. Лекин бизнинг мавзуйимиз, мулақо бошқа. Биз тахририятимизга келган юзлаб муаллифларимизнинг қалб изҳорлари кўнган, шеърий йўсинда битилган битиклар атрофиди сўз юритмоқчимиз. Илло, бу битикларда ватандошларимизнинг Муствақиллигимизга, унинг бугунги нурафшон қиёфасига, файзиёб ва бахтли кунларига билдирган шукроналари, тасаннолари, олқишлари меҳр ва ифтихор туйғулари билан қўшилиб чакнаб турибди.

тон герби туширилган, биз учун дунёдаги энг чиройли, энг қадри янги шаклдаги паспортларга алмаштириш жараёнида бевосита иштирок этганман. Ушунда қалбим гурурга тўлиб ёган шеърим машқимни яна бир бор эслашга, уни юртимизда 1991 йил 1 сентябрь кунини тўғилган бахтли ўғил-қизларимизга табрик сифатида йўллашга қарор қилдим:

*Яхшилик-яшарин, яшнаш демакдир,
Рақинида мужассам ҳаётини фараҳ,
Сени кўлга олмақ нақадар бахтдир,
Сени тавоф қилмоқ нақадар шараф.
"Ўзбек паспортига" деб сарлавҳа қўйилган
шеър ана шундай тантанавор, кўнгилни*

Тахририятга келган шеърларни ўқиб...

Хусусан, Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғида яшовчи З.Мамасолиева йўллаган "Ватан" деб номланган шеър эътиросли, самимий, айна пайтда ўли сатрлари билан дилкаш таассурот уйғотади.

*Ховуч-ховуч сув смирдим изҳорингдан,
Этак-этак гуллар тердим баҳорингдан,
Дилга таскин топин дилкаш баҳорингдан,
Кийригимда, Ватан, сенинг сардоринг бор.*

Ушбу шеър бир маромда, охиста ҳаракатланади, шу тарафдаги сўзлар мулоийм оҳангга бўйсунди, муқояса ҳам шеър мантйига майингина сингдириб борилди.

Аммо айтмиш жонки, шеър ўз яқинида муаллиф измидан бироз чиқиб кетади. "Хузурингга тазйим этиб келди, Очун" — дейилади шеър сўнгида. Кўнчилиқ Очунни дунё шаклида тушунади. Бирок назмда Очун кичикроқ ва нозикроқ маъноларда қўлланилади. Алҳол, қўналга, манзил сўзлари бир қадар унинг шеърини истифодасига яқинроқ. Шундай бўлса-да, шеър таъсирчан, осуда, ёқимли ифодаси билан ўзига жалб этади.

Тахририятимизга келган мактублар орасида, айниқса, Ёзёвонлик Зумрад Ҳўжаеванинг ҳаяжон билан ёзилган фикр-мулоҳазалари бизни қувончли ўйларга чўмдириди. Опа Ёзадилар: "Не бахти, бу йил истиқлол тенгдошлари бўлган минглаб ёшларимиз фуқаролик баҳтига, Ўзбекистондай жаннатмаккон юрт фуқароси бўлишдек, энг олий саодатга муяссар бўлдилар. Мен 1995 йилда эски нусхадаги паспортларни Ўзбекистон

тоғдай кўтарадиган сатрлар билан бошланади. Муаллифнинг самимий ҳайрати, юрт шайнига бўлган эътиром, содда, кўнчак ва фахрли муносабати мазкур шеърда тўлалигича гавдаланади. Шеърнинг муқаддимаси ҳам, охири ҳам жўшқин кайфиятни ўзида сақлай олган. Тўғри, боғланишларда баъзан вазн ихтилофлари кўришиб қолади, айрим сатрларда оҳор камайгандай... Бирок, опамиз тан олиб, ҳалол айтгандай, бу шеърини машқ қўнғил изҳоридир.


Юқорида таъкидлаганимиздек, бизга йўлланган шеърларнинг асариятида муствақиллигимиз, унинг шонли йиллари, шарофати мадҳ этилади. Бу манзумаларда мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, улғ аҳдодларимизга кўрсатилган эътиром, бой маданий меросимиз бугунги кунда умумхалқ мулкига айлангани, шаҳарларимизнинг янада обод бўлаётгани таъриф ва тасниф қилинади. Фарғона туманида яшовчи отахон, дурдод уста Муроджон Пулатов "Бундай замон бўлган қачон, жумбоқларни енор осон" дея бугунги кунимизга назар ташласа, бўвайдалик Келдибой Мамуров эса "Довонларини ошиб хали, лол қиламиз дунёни" дея маърифатли жамиятимизни алқайди. Меҳнат фахрийси, сардобалик М. Қайнар "Ота

паноҳидир фараздга ватан, Инсонга ватандир ҳаёт қучоғи" деб ватан севгисини улғласа, гулистонлик олий тоифали мактаб ўқитувчиси Ҳимоят Назарова ўз битикларида таълим-тарбия масаласига эътибор қаратади. Шунингдек, Ўрта чирчилик М.Исроилов, Тошкент шаҳридаги М.Абдуллаева, қосонлик талаба Хиндол мирзо Санжар ўғли, хатирчилик Ҳамид Мавлонов, чирчилик Унар Қоробоев, Андижон туманида яшовчи К. Қодиров, Бухоро вилояти Қорақўл туманилик Урин Бобожон, поплик Жалолжон Азизов, Бекободлик Х.Остақулов, олотлик Орифжон Воҳидов, Фарғона туманидан Қ.Мирзапулатов ҳам ватанга муҳаббат, садоқат, устозларга ҳурмат туйғуларини баён этадилар.

Маълумки, бу йил мамлакатимизнинг қадимий шаҳри Самарқанднинг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Ер юзининг сайқали бўлган бу азим шаҳар ҳар бир юртошимиз учун ардоқли, азиз ва табарруқ. Чунки, бизга йўлланган мактубларда Самарқандга бағишланган шеърлар ҳам анчагина. Жумладан, Дўстмуҳаммад Дўст, жомбойлик Ҳошим Бекниёзов, иштиқонлик Омоной Рабимова, Тошкентнинг Зангиота туманидан Д.Оқбўтаевалар Самарқанднинг мислсиз шаҳар эканлигини юрак тафти билан шеърини вазналарга соладилар.

Умуман олганда, муштарийларимизнинг адабиётга бўлган ҳурматлари, қизиқишлари ва ўзлари ҳам дил торларини чертишга иштиқонликлари шунчаки эмаслиги кўга ташланади. Аксинча, Ватан буюклиги, истиқлол замонининг саодати, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва хотиржамлик, мамлакатимизнинг тобора тараққий топиб бораётгани, эртанги кунга юксак ишонч уларнинг қалбига оҳанглар ва эзгу сатрларнинг савияси ҳар хил. Бадиийи талабага жавоб берадиган, назмий санъатлар қисман акс этган шеърлар ҳам бор. Оддийроқ, қуруқ ифодага қурилган шеърлар ҳам анча-мунча. Лекин гап бунда эмас. Мухими, сўз айтишга, ифода этганда ҳам чиройли ва гўзал тарада бўлишига интилишдадир. Чиройли сўз эса қалбнинг гўзаллигини белгилайди.

Абдували ҚУТБИДИНОВ.



"Ўзсаноатқурилишбанк" жамоаси ўз акциядорларини, мижозларини ва ҳамкорларини Конституциямизнинг 15 йиллик байрами билан табриклайди!

Барчангизга соғлиқ, оилангизга тинчлик ва омад тилайди!




"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" - 85 йил сиз билан!
www.uzpsb.uz, e-mail: info@uzpsb.uz



«ЎЗАГРОСУРТА»

давлат акциядорлик сугурта компанияси жамоаси

барча ватандошларимизни мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан самимий муборакбод этади!



Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, хонадонингизга файзу барака, овоз ва обод юртимизнинг шон-шухратини оширишдек эзгу мақсадлар йўлида куч-қувват, шижоат тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ватандошлар!



«East Telecom» ҚҚ

Қадрли юртдошлар!

Сизни ва яқинларингизни

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллик байрами билан самимий қутлайди!

Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-фаровонлик ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишида муваффақиятлар ёр бўлсин!

Экранда электрон китоблар

Нодира номли вилоят ахборот кутубхона марказида халқаро андозаларга мос «Ирбис» дастури ўрнатилгандан сўнг наманганлик китобхоналарининг ноёб адабиётларга бўлган талаби тўлароқ қондириладиган бўлди.

<p>Мазкур дастур бўйича яратилган каталогга 20 минг номдаги адабиётнинг 60 минг нусхадаги электрон кўринишлари киритилган бўлиб, улар орасида ижтимоий-сиёсий, бадиий йўналишдаги асарлар, илмий тадқиқотлар бор. Мар-</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, халқимизнинг севили адиби, драматург САИД АҲМАДИнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.</p>	<p>Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпанияси жамоаси «АХБОРОТ» Бош муҳарририятининг Бош рижиссёри Ботир Шариповга онаси Азиза ая НИҒМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.</p>
<p>Тошкент давлат юридик институтининг жамоаси «Факультетларaro ижтимоий-гуманитар фанлар» кафедраси доценти Рауф Гаффаровга ўғли ЖАМШИДБЕКнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.</p>	<p>«Ўзбекэнерготаямир» ОАЖ жамоаси «Энерготаямир» ОАЖ директори Шавкат Рашидович ҒОҒУРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>	<p>Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси ТОШ ПТИ шифохонасининг дорихона мудирини Сайфулла Ниғматович ЮСУПОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.</p>

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

<p>Халқ сўзи Народное слово</p>	<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ</p> <p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 23787 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2</p>	<p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.</p> <p>Т-Тижорат материал</p>	<p>• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Набатчи котиб — А. Орипов. Набатчи муҳаррир — М. Жонхонов. Набатчи — З. Жонбеков. Мусаҳҳах — Ш. Машраббеов.</p>
<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.</p>	<p>«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ў.А. яқини — 02.00 Топширилди — 02.15 1 2 3 4 5 6 8</p>	